

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОИД КОНЦЕПЦИЯЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ

Эргашев Иномжон

ФарДУ Мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада тинчлик ва барқарорликка оид концепцияларнинг шаклланиши генезиси тизимли таҳлил этилган. Мақолада Шарқ ва Farb олимларининг тинчлик ва барқарорликка оид қарашлари, уларнинг ўзаро диалектикаси ҳамда фарқли жиҳатлари очиб берилган. Қолаверса мақолада ўзбек халқининг тинчлик ва барқарорликка бўлган тафаккурининг асослари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Тинчлик, барқарорлик, Шарқ ва Farb, уруш ва тинчлик, барқарорлик ва беқарорлик, манфаатлар, куч.

**Annotation:** This article systematically analyzes the genesis of the formation of concepts related to peace and stability. The article reveals the views of Eastern and Western scientists on peace and stability, their mutual dialectic and different aspects. In addition, the article examines the foundations of the Uzbek people's thinking on peace and stability.

**Key words:** Peace, stability, East and West, war and peace, stability and instability, interests, power.

Бугун дунё глобаллашган дунёда одамлар орасида ахлоқсизлик, ўзаро муросасизлик, тоқатсизлик кўринишларини бартараф қилиш, жамиятда одоб-ахлоқ, инсонпарварлик, бағрикенглик, тинчликсеварлик маданиятини қарор топтириш, шунингдек инсонлар орасида ўзаро хурмат, самимий дўстликни қарор топтириш бугунги куннинг муҳим вазифасига айланиб бормоқда.

Инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, ўзаро ахиллик каби буюк фазиллар йўқолиб улар ўрнини ўзаро манфаатларга асосланиб қолмоқда. Натижада жамиятда нотинчилклар, қарама-қаршиликлар юзага келиб, унинг жабрини оддий инсонларнинг бошига тушмоқда. Бу эса ушбу масалалрни илмий тадқиқот нуқтаи-назаридан ўрганишга заруриятни юзага келтирмоқда.

Маълумки фалсафада жамият ва шахс фаолияти диалектик муносабатга эга ҳисобланиб, барқарорлик ва беқарорлик, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, уруш ва тинчлик каби тушунчалар ўртасидаги муносабатга асосланади.

Тинчлик ва барқарорлик бутун инсоният учун бебаҳо неъмат, улуғ саодат сифатида тавсифланади. Буни жаҳондаги барча халқлар қадрлаши, бу йўлда курашиши, барқарор ижтимоий-иктисодий шароитларда яшашга интилиши аксиома тарзида қабул қилинади.

Дунёда бирор бир халқ уруш ёки қон тўкишга, қирғин-барот ёхуд ғалаёнга даъват қилмайди, балки тинчлик ва хотиржамликка, барқарор тараққиёт, ички

тотувликка интилиб яшашга ҳаракат қилади. Аммо шундай “манфаатдор кучлар” борки, тинчликка таҳдид солишидан фойдаланади.

Бугун дейди, Антониу Гуттерриш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби лавозимида иш бошлар эканман, “мени бир савол қийнамоқда: низолардан жабр кўраётган, урушлардан чексиз азоб-уқубат тортаётган миллионлаб одамларга қандай ёрдам бериш мумкин? Тинч аҳоли бомба ва ўқ остида кун кечирмоқда. Аёллар, болалар ва эркаклар ҳалок бўлишмоқда, майиб бўлишмоқда ва барини йўқотиб, умидсизликка учраб, ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлишмоқда. Зарбалардан ҳаттоки касалхоналар ва автоколонналар ҳам пана топмаётир. Бу урушларда ҳеч ким ғалаба қозонмайди, барча мағлуб бўлади. Трилионлаб долларлар ижтимоий ва иқтисодий асосларни барбод қилиш учун сарфланади ва шу ўринда ишончсизлик ва қўркув гардишини янада тезроқ айлантиради ва бу аҳвол кўпгина йиллар давомида сақланиб қолиши мумкин”<sup>21</sup> деган фикрларига том маънода асослар бор. Чунки дунёning барча минтақаларида тинчлик ва барқарорлик мувозанати бузилиб кетмоқда. Бугун дунёning бирор бир минтақаси ёки ҳудуди хавф ва таҳдидлардан тўлиқ ҳимояланмаган.

Ўтган асрда мустақиллик, тинчлик, барқарорлик ғояси ва амалиётига улкан ҳиссасини қўшган Махатма Ганди, Анвар Садат, Индира Ганди ва Раджив Ганди, Исҳак Рабин сингари улкан сиёсатчиларнинг сиёсийлашган динпарастлик қурбони бўлишгани бунга ёрқин мисолдир<sup>22</sup>.

Тинчлик-вайронкорлик орасидаги муносабат эзгулик-ёвузлик орасидаги кураш каби азалий ва абадийдир.

“Тинчлик” категорияси борлиқнинг асосий конструкти ҳисобланиб, умумий характерда намоён бўладиган мураккаб тизим сифатида ажralиб туради. Бугунги кунда “тинчлик” тушунчаси турли ҳалқ ва миллатларда ўзига хос тарзда талқин этиб келинади.

Чунки ҳар бир жамият ўзининг мақсадларига кўра чегараланган ҳаётий ресурслар муҳим ҳаётий манфаатларни қўлга киритиш учун сиёсий субъектлар ўртасида тўқнашув вужудга келади. Мана шу ҳолат эса давлатлар орасида рақобатни келтириб чиқаради.

Бугун тинчликни башарият, қолаверса, Ғарб ва Шарқ ҳалқлари қандай тушуниши, миллий руҳиятида қандай ҳис этишини, ижтимоий-сиёсий контекстида ўрганиш долзарблашдиги, у ҳақида айrim фикрларни билдириш зарур. Жумладан, Б. Тайлор: “Уруш ҳамма нарсанинг отаси ва шоҳи”, деб ёзган эди. Уруш ҳодисасини баҳолашда Платон, Арасту ва Гераклитлар фикрларига яқин келади.

Платон ўзининг “Қонунлар” деб номланган асарида ёзишича, “Уруш инсониятнинг табиатидан келиб чиқади. Чунки инсонларнинг манфаатлариаро

21 <http://unic.uz/2017/01/01/un-sg-peace-message-for-2017>

22 Жўраев Т., Пахрутдинов Ш. Дунёвий давлатчилик ва сиёсийлашган динийлик: азалий мухолифат.

–Тошкент, 2008.-Б. 129.

тўқнашув доим урушга олиб келади”<sup>23</sup>, деб ёзган эди. Бундай фикр моҳиятида, ҳар бир нарса урушдан ва уруш ҳолатида юзага келади, деган классик қарашларни кўришимиз мумкин.

Янги даврда келиб, “тинчлик ва уруш” ҳақида фикрларни Гоббс, Гегель, Прудон ва Ницшеларда ҳам учратиш мумкин. Яъни бу даврга келиб, уруш психологияси “инсон-инсонга бўри” концепцияси негизида ривожланди. Бу ривожланиш “аллақандай манфаатлар” замирида такомиллашди. Масалан, Гегельнинг фикрига кўра, инсоният ҳаёти ҳар доим трансформацион жараёнларни ифодалайди.

Инсонларнинг ҳаёти ҳовузга ўхшамайди, чунки турган сув ўлимдан бошқа ҳеч нарсани англатмайди. Шунинг учун инсонлар бир-бири билан тўқнашадилар<sup>24</sup> деб таъриф беради. Ф. Ницшенинг “Зардўшт таваллоси” асарида “Тинчликни урушга тайёргарлиги учун севиш керак ва қисқа тинчликни узоқ тинчликдан кўра яхши кўриш лозим”<sup>25</sup> деган қарашларида ҳам баъзи бир ҳақиқатларни англаш мумкин.

Мустамлака сиёсатининг мафкуравий асосларини яратиш, мустаҳкамлаш, ҳудудларига ёт бўлган сиёсат, маърифат ва маънавиятни олиб кириш, сингдириш йўлида хизмат қилган тадқиқотларнинг ғоявий илдизлари немис классик фалсафасининг намояндаларидан бири Георг Вильгельм Фридрих Гегель ижодига бориб тақалади. Европапарастлик ва шовинистик таълимотнинг асосчиси бўлган Гегель ижодида Шарқ ҳалқларининг эстетик дунёқарashi: “Ғоявийлик – хитойликнинг тафаккур тарзига хос эмас, эстетиклик ундан жуда узоқда” ёки ҳиндолар ҳақида сўз кетар экан, “гўзалликни бу каби тушуниш ортида асабий заифлик турибди” қабилидаги фикрлар билдирилади.<sup>26</sup> Гегель ўзининг 1822-1830 йилларда Берлин университетида ўқиган фалсафий маъruzасида Шарқни “якка деспотитларнинг ҳадсиз-ҳудудсиз ўзбошимчалиги ҳукм сурган салтанат” деб эълон қилиб, қуйидан юқорига ривожланишнинг қонуний жараёни, тимсоли бўлмиш тарих тақозоси туфайли “инсоният руҳи Шарқдан Ғарбга ўтди”, шундай экан, Осиё давлатлари хоҳлайдими-йўқми, бундан қатъи назар, европаликларга тобе бўлишга маҳкум, деган якуний холосага келган<sup>27</sup>. XVIII асрнинг француз файласуфи Монтескьенинг Шарқ ҳалқлари шаънига билдирилган бўхтонлари шулар жумласидандир.

К.Шмиттнинг фикрига кўра, аскарлар ҳар доим уруш ҳолатига тайёр турадилар<sup>28</sup>. К.фон Клаузевиц эса, уруш сиёсатини бошқа воситалар орқали давом эттириш деб билади ва унга кўра, уруш сиёсатни тинчликка элтувчи восита сифатида ҳам инкор қилмайди. Бу ҳарбийларнинг сиёсатга бўйсунишида

23Платон. Законы. –М., 1995.– С. 568.

24Лист.О.И. История политики и правовых учений. –М., 1998.- С. 418.

25 Ницше Ф. Так говорит Заратустра. –М.: 1991. –С.69.

26Қаранг:Мадаева Ш. Идентиклик антропологияси. –Т.: “Noshir”, 2015.-Б. 7.

27Гегель Г.В.Ф. Философия права. – М., 1993. - С. 185.

28Шмитт К. “Понятие политического вопросы социологии”. –М.: 1992.-С. 16.

яққол намоён бўлади деб таъкидлайди. Тинчлик ва уруш концепциясини ўша давр миллатларининг тафаккур тарзига кўра қисман очиб беради. Бу биринчидан, давр муддаоси бўйича халқлар тинчлигини таъминлаш учун аёвсиз курашлар олиб боришга тўғри келганлиги, иккинчидан, инсонлар душмансиз яшай олмайди, деган фалсафий қарашлар ўтмиш фалсафасининг негизини ташкил этганлиги билан боғлиқдир. Демак, шундан кўриш мумкинки, Ғарб мутахассисларнинг тинчлик ва уруш ҳақидаги ғояларида ўзига хос иккита ёндашувнинг устуворлиги таъминланган:

Биринчиси, тинчлик – фақат уруш орқали таъминланиши таъкидланиб, бунда “тинчлик ва уруш” инсонларнинг антогонизмига хос хусусият деб баҳолайди. Бунда инсонлар тинчлик учун курашишни ўлимдан устун қўяди, деган бир ҳақиқат кузатилади. Айни ўринда инсонларнинг яшаб қолиш истаги устувор бўлади. Бу истак оқибати ҳар қандай агрессиявий ҳаракатлардан тийилмасликда намоён бўлади. Иккинчиси, тинчликни таъминлашда турли ижтимоий гуруҳларнинг тўқнашувлари, гуруҳ манфаатларини ресурслар эгалиги ва бошқариш ҳисси ташкил этишини кўриш мумкин. Бунда албатта, қучлилар ғолиб бўлиб, қучсизлар ҳаёти давомида қулга айланиб боради деган тамойил устувор саналади. Муаммога оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган яна бир мутафаккир Г.Гроцийдир. У ўзининг “Тинчлик ва уруш ўқи” деб номланган асарида халқаро ҳуқуқ асосларини яратишга муваффақ бўлган. Уни ҳозирги кунда ҳам халқаро ҳуқуқнинг асосчиси, деб эътироф этишади. У уруш олиб боришнинг давлатлар меъёрий ва қонуний асосларини ишлаб чиқиш лозим, деб таъкидлайди. Унга кўра урушлар доимо тинчлик учун олиб борилиши лозим.<sup>29</sup>

Умуман олганда, Ғарб мутахассисларининг тинчлик ва уруш борасидаги муносабатлари учун қурол вазифасини қуролини ориентализм “услуби” ёки “йўналиши” ташкил этади. Ориентализмни метод сифатида жиддий тадқиқ этган америкалик олим, асли насаби фалсатинлик христин динига мансуб бўлган Эдвард Саиддир. Унинг “Ориентализм”<sup>30</sup> асари билан танишар экансиз, бунга ўзингиз ҳам ишонасиз. Умуман олганда, инсон руҳий оламидек олам борлигининг тамал-тоши дастлаб Шарқда мавжудлиги сўнгра Европа ундан баҳраманд бўлганлигини бугунги даврнинг ўзи намоён этмоқда.

Кўриб турганимиздек, замирида индивидуализм фалсафаси устуворлик қилган “ғарбона” дунёқарашда инсон моҳияти, табиати ва интилишларида тинчликка зид манфаатлар кураши мустаҳкам ўрин олган. Тинчликни бардавом этиш аслида инсон моҳияти, унинг фоний дунёга келишдан мақсадига бориб тақалиши Ғарб фалсафасида айтарлик даражада эмас. Тинчлик барқарорлик масаласи Ғарбда бўлганидек Шарқда ҳам муҳокама қилинган. Лекин Ғарбдан

<sup>29</sup>Лист.О.И. История политики и правовых учений. –М.,1998.-С. 310.

<sup>30</sup>Эдвард Вади Саид. Ориентализм. Западные концепции Востока. СПб.: Русский Мир, 2006. -С.637.

фарқли ўлароқ деярли барча шарқ халқлари алломалари “инсон-тинчлик тушунчасига яхлит деб қарашган”<sup>31</sup>.

Шарқда эса, “Тинчлик” ва “Уруш” тушунчалари анча ўзгача, кўпроқ фалсафий мазмун касб этади. Жумладан, Лао Цзи, Кун фу Цзи, Мэнъ Цзи. Будда ва уларнинг кўплаб издошларидан то Шарқ Ренессансининг буюк вакиллари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Мусо Хоразмийлардан Алишер Навоий-гача бўлган барча алломалар асарларида қонли тўқнашув, яъни уруш инсонийликка мутлақ зид тушунча сифатида қораланади. Шу боис Шарқда, хусусан, мамлакатимизда ҳам тинчлик, юксак қадрланади, уни халқимиз ўз орзу-умидлари, олий мақсадларининг кафолати деб билади. Уруш “Авесто” давридан ҳозирги давргача қоралаб келинган. Халқимиз “Бир кун жанжал бўлган уйда қирқ кун барака бўлмайди”, “Тинчлик урушни енгар”, “Уруш – офат, тинчлик - фароғат”, “Тинч элнинг боғи гуллар” каби мақоллари негизида ҳам мазкур ҳақиқат ётади. Ота-боболаримиз дуога қўл очса, даставвал тинчлик-омонлик тилайди. Бу фикрлар бугунги кунгача миллий руҳият ва миллий менталитетимизнинг асоси ҳисобланади.

Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Амир Темур сингари мутафаккирларнинг уруш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига таянадиган бўлсак, буюк алломамиз Абу Наср Форобий уруш турларини 2 га бўлади: мудофаа урушлари (ўз ватани учун олиб борилган урушлар); мустамлака урушлари.<sup>32</sup>

Алишер Навоий уруш жамиятни инқирозга олиб келади, емирилишига сабаб бўлади, давлатларнинг энг асосий вазифаси – урушни бартараф этиш ва “қўлни-қўлга бериб” яшашдан иборат деб билади. Бу қараашлар Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида акс этган.

Шу билан бир қаторда, Ўрта асрларда Шарқ оламида уруш концепциялари, асосан, улуғ мутафаккир ва саркарда Амир Темур томонидан ишлаб чиқилганлигини айтиш жоиз. Унга кўра “мамлакатларни забт этувчи чинакам подшоҳ у ерларни ўз тасарруфига олсин. Одил подшоҳ у ерга қадам қўйиши билан фатҳу зафар ҳам унга ёр бўлади”<sup>33</sup>. “Темур тузуклари”да уруш стратегиясига замон тақозоси туфайли катта эътибор берган бўлсада, Амир Темур: “Амр этдимки, сардор лашкар назоратчиси билан бирга душман сипоҳининг оз-кўплигини мулоҳаза этсинлар, саркардаларини ғаним лашкарбошилари билан солиштирсанлар. Шунга қараб, ўз сипоҳларининг каму қўстларини тўғрилаб, жангга ҳозирласинлар. Яна ўз сипоҳининг қуроласлаҳаларини душманники билан таққосласинлар. Шунингдек, ғанимнинг уруш олиб бориш йўлларини: шошмасдан, бир зайлдами ёки шиддат билан жангга киришини кузатсанлар” –дейди. Қадимда туркий тил омма тили ҳисобланган. Ҳарбий атамалар – тур, ёт, юр, от, чоп сингари, асосан, бир бўғинли сўзлардан таркиб топган. Қулайлиги боис буйруқлар туркий тилда берилган. “Темур

31 Қаралсин: Су Чунь. Философские идеи. –Пекин, 2015.-С.180.

32 Гаджиев К.С. Политическая философия. –М., 1997. -С. 260.

33 Темур тузуклари. Аҳмедов Б.таҳрири остида. –Т., 1991.

тузуклари"ни форс тилидан ўзбекчага таржима қилас өкан, Алихонтўра Соғунийнинг, "мен таржима қилмадим, балки асл тилига қайтардим," деган фикрлари таҳсинга лойиқ Зотан, тилимиз уммон ана шу уч буюк дарё – туркий, арабий ва форсийдан сув ичиши баробарида эски лотин, хитой, мўғил, рус, Ғарб тилларидан баҳраманд бўлган.<sup>34</sup>

Хулоса ўрнида айтиш керакки, осойишталик, тинчликни сақлаш, тинчтотув яшаш - ўзбек халқининг бетакрор қадрияти, бурчи ҳисобланади. Бу бурч ота-боболаримизнинг тинчлик учун олиб борган курашлари эвазига бизгача мерос бўлиб келаётган олий қадрият ҳисобланади. Ўзбекистонда тинчлик-ижтимоий мазмун касб этади. Чунки, тинчлик Ўзбек халқида Оила↔ Маҳалла ↔ Давлат ↔ Жамият" сўнгра "Минтақавий ↔ Халқаро ↔ Глобал" муносабатлар тизимида ўзаро уйғуналашиб "Ўзбек халқининг тинчлик фалсафасини" ташкил этади.

#### АДАБИЁТЛАР:

- 1.Жўраев Т., Пахрутдинов Ш. Дунёвий давлатчилик ва сиёсийлашган динийлик: азалий мухолифат. –Тошкент, 2008.-Б. 129.
2. Платон. Законы. –М., 1995.- С. 568.
3. Лист.О.И. История политики и правовых учений. –М., 1998.- С. 418.
4. Ницше Ф. Так говорит Заратустра. –М.: 1991. –С.69.
5. Қаранг:Мадаева Ш. Идентиклик антропологияси. –Т.: "Noshir", 2015.-Б. 7.
- 6.Гегель Г.В.Ф. Философия права. – М., 1993. - С. 185.
7. Шмитт К. "Понятие политического вопросы социологии". –М.: 1992.-С. 16.